



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

ФАКТОРИНГ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ ШАРҲИ

2025 йил III чорак

Тошкент 2025


Мазкур **Факторинг хизматлари бозори шарҳи** Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ва халқаро факторинг хизматларининг жорий ҳолати, уларнинг ривожланиш йўналишлари, ҳудудлар ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги қамровини ҳамда кредит ташкилотларининг факторинг хизматларида қўлланилаётган дисконт ставкалари тўғрисидаги маълумотларни ёритади.

I. Маҳаллий факторинг амалиётлари таҳлили


2025 йилнинг III чораги давомида кредит ташкилотлари томонидан жами **6,6 трлн** сўмлик факторинг хизматлари кўрсатилиб, ушбу хизматларнинг **6,1 трлн** сўми ёки **93 фоизи** тижорат банклари ва **453 млрд** сўми ёки **7 фоизи** микромолия ташкилотлари ҳиссасига тўғри келган (1-расм).

Бунда, кўрсатилган факторинг хизматларининг **3,3 трлн** сўми ёки **50 фоизи** рақамли факторинг хизматлари ҳиссасига тўғри келиб, ушбу факторинг хизматларининг **1,8 трлн** сўми (56 фоиз) «Озпланет» электрон факторинг платформаси, **1,5 трлн** сўми (44 фоиз) «Финмакон» электрон факторинг платформаси томонидан амалга оширилган (2-расм).

1-расм. Кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган факторинг хизматлари ҳажми, млрд сўм




2-расм. Факторинг хизматлари ҳажми, млрд сўм



Бизнес вакилларининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини факторинг хизмати орқали молиявий таъминлашининг ортиши натижасида 2024 йилда факторинг хизматлари бўйича энг юқори кўрсаткич декабрь ойида **630 млрд** сўмга етган бўлса, жорий йилнинг июнь, июль ойларида **1,1 трлн** сўмдан ва сентябрь ойида **849 млрд** сўм миқдорида факторинг хизматлари кўрсатилди. (3-расм).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 августдаги ПФ-109-сонли Фармони имзолангандан кейин, кредит ташкилотлари томонидан тадбиркорлик субъектларига 2024 йилнинг сўнгги 4 оyi ҳамда 2025 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида жами **7,8 трлн** сўм миқдорида факторинг хизматлари кўрсатилди.

3-расм. Кредит ташкилотлари томонидан 2024 йил ва 2025 йил январь-сентябрь ойларида факторинг хизматларининг динамикаси, млрд сўм



Манба: : Марказий банк маълумотлари


2025 йилнинг 9 оyi давомида тадбиркорлик субъектларига **давлат улуши мавжуд тижорат банклари** томонидан жами **3,4 трлн** сўм (56 фоиз), **хусусий банклар** томонидан жами **2,7 трлн** сўм (44 фоиз) миқдоридаги факторинг хизматлари тақдим қилинган.

Хусусан, энг кўп факторинг операциялари давлат улуши мавжуд тижорат банкларида, **Асака банк** (1 трлн сўм шундан, электрон платформа орқали 508 млрд сўм), **Ўзсаноатқурилишбанк** (735 млрд сўм, 695 млрд сўм), **Ўзмиллийбанк** (659 млрд сўм, 450 млрд сўм) ҳиссаларига тўғри келган.

Шунингдек, хусусий банклар орасида **Капиталбанк** – 1,2 трлн сўм (31 млрд сўм), **Ҳамкорбанк** – 564 млрд сўм (246 млрд сўм) ва **Азия Аллианс банк** – 252 млрд сўм (143 млрд сўм) билан факторинг хизмати кўрсатишда етакчилик қилган.

Шу билан бирга, **микромоллия ташкилотлари** томонидан ушбу даврда жами **453 млрд** сўмлик дебиторлик қарздорликлар молиялаштирилган (4-расм).

4-расм. Кредит ташкилотлари кесимида 2025 йилнинг 9 ойида кўрсатилган факторинг хизматлари миқдори, млрд сўм




Манба: Марказий банк маълумотлари

Бугунги кунда, тижорат банкларининг қисқа муддатли молиялаштириш хизматларида факторинг хизматларини альтернатив ечим сифатида кенг қўламда оммалаштириш чоралари кўрилмоқда.

Натижада, 2024 йилнинг II ярим йиллигида кўрсатилган факторинг хизматларининг қисқа муддатли молиялаштиришга нисбати 1 фоиздан (июль) 6,1 фоизга (декабрь) ошган бўлса, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ушбу кўрсаткич **4,5 фоиздан 14,1 фоизга** етди (5-расм).


5-расм. 2024 йил ва 2025 йилнинг 9 ойида кўрсатилган факторинг хизматларининг қисқа муддатли молиялаштиришдаги улуши, фоиз



Манба: Марказий банк маълумотлари

Худудлар кесимида жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида кўрсатилган факторинг хизматларининг асосий қисми **Тошкент шаҳри** (2,9 трлн сўм ёки 43,6 фоиз), **Андижон вилояти** (1,5 трлн сўм ёки 23,2 фоиз), **Тошкент вилояти** (506 млрд сўм ёки 7,7 фоиз) ва **Фарғона вилоятига** (345 млрд сўм ёки 5,2 фоиз) тўғри келган бўлса, **Сурхондарё вилояти** (39 млрд сўм ёки 0,6 фоиз), **Сирдарё вилояти** (33 млрд сўм ёки 0,5 фоиз) ва **Жиззах вилоятида** (28 млрд сўм ёки 0,4 фоиз) энг паст кўрсаткич қайд этилган(6-расм).

6-расм. Ҳудудлар кесимида 2025 йилнинг 9 ойида кўрсатилган факторинг хизматлари миқдори, фоиз




Манба: Марказий банк маълумотлари

Мижозларнинг ташкилий шакли бўйича кўрсатилган факторинг хизматларининг тақсимоотида энг юқори улуш масъулияти чекланган жамиятларга **3,8 трлн** сўм ёки **58 фоиз** миқдорида факторинг хизматлари кўрсатилган бўлиб, акциядорлик жамиятларига **1,6 трлн** сўмни (24,6 фоиз) ташкил этган.

Шунингдек, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар **933 млрд** сўмлик (14,2 фоиз) ҳамда хусусий, оилавий корхоналар ва фермер хўжаликларининг **210 млрд** сўмлик (3,2 фоиз) дебиторлик қарзлари факторинг хизматлари орқали молиялаштирилган (7-расм).


7-расм. Факторинг хизматларининг корхоналар ташкилий шакли бўйича тақсимои, млрд сўм



Манба: Марказий банк маълумотлари

Жами факторинг хизматларининг 244 млрд сўми ёки 4 фоизи йиллик айланма маблағлари **1 млрд сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектларига** (микромолія ташкилотлари 218 млрд сўм, тижорат банклари 26 млрд сўм), 459 млрд сўми ёки 7 фоизи айланмаси **1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача бўлган тадбиркорларга**, 1,2 трлн сўми ёки 18 фоизи айланмаси **10 млрд сўмдан 100 млрд сўмгача бўлган тадбиркорларга** ва 4,7 трлн сўми ёки 71 фоизи айланмаси **100 млрд сўмдан ортиқ бўлган тадбиркорларга** кўрсатилган (8-расм).

8-расм. Тадбиркорлик субъектларининг йиллик айланмаларига кўра тоифаланганда факторинг хизматларидан фойдаланиш таҳлили, млрд сўм




Манба: Марказий банк маълумотлари


Муддатлар қирқимида 30 кунгача факторинг хизматлари жами факторинг хизматларининг 31 фоизини (2 трлн сўм), **31 кундан 60 кунгача** – 17 фоизини (1,1 трлн сўм), **61 кундан 90 кунгача** – 33 фоизини (2,2 трлн сўм), **91 кундан 120 кунгача** – 11 фоизини (0,7 трлн сўм) ҳамда **121 кундан 180 кунгача** – 8 фоизини (0,6 трлн сўм) ташкил қилган (9-расм).

Миқдорлар бўйича 100 млн сўмгача факторинг хизматлари жами факторинг хизматларининг 1 фоизини (0,08 трлн сўм), **100 млн** сўмдан **500 млн** сўмгача 10 фоизини (0,7 трлн сўм), **500 млн** сўмдан **1 млрд** сўмгача 7 фоизини (0,5 трлн сўм), **1 млрд** сўмдан **5 млрд** сўмгача 41 фоизини (2,7 трлн сўм) ҳамда **5 млрд** сўмдан юқори бўлган факторинг хизматлари 41 фоизини (2,7 трлн сўм) ташкил қилган (10-расм).

9-расм. Факторинг хизматлари муддатлари бўйича таҳлили, фоиз



10-расм. Факторинг хизматлари миқдорлари бўйича таҳлили, фоиз




Манба: Марказий банк маълумотлари

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича факторинг хизматларининг асосий қисми **саноат** соҳасига **3,5 трлн сўм** (53 фоиз) ҳамда **савдо** ва **хизмат кўрсатиш** соҳасига **2,5 трлн сўм** (38 фоиз) йўналтирилган.

Шунингдек, **қурилиш** ва **қишлоқ хўжалиги** секторларида ҳар бири мос равишда **268 млрд сўмлик** (4 фоиз) ва **297 млрд сўмлик** (5 фоиз) дебиторлик қарздорликлар молиялаштирилган (11-расм).

11-расм. Иқтисодиёт соҳалари бўйича кўрсатилган факторинг хизматлари, фоиз




Манба: Марказий банк маълумотлари

II. Халқаро факторинг амалиётлари таҳлили

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида тижорат банклари томонидан **152 млрд** сўм эквивалентидаги (жамига нисбатан 2%) регресс ҳуқуқи билан халқаро факторинг хизмати кўрсатилди (12-расм).

12-расм. Кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган халқаро факторинг хизматлари ҳажми, млрд сўм




Манба: Марказий банк маълумотлари

Халқаро факторинг операцияларида банклар бўйича энг юқори ҳажм **Микрокредитбанк** (5,5 млн доллар ёки 45 фоиз), **Ўзмилийбанк** (3 млн доллар ёки 25 фоиз) , **Асакабанк** (2,4 млн доллар ёки 20 фоиз) томонидан кўрсатилган.

Шунингдек, **Ипак йўли банки** 946 минг доллар, 47 минг евро ва 9,9 млн рубль (9 фоиз), **Бизнесни ривожлантириш банки** 104 минг доллар (1 фоиз) миқдоридаги халқаро факторинг операцияларини амалга оширган (13-расм).


13-расм. Тижорат банклари томонидан кўрсатилган халқаро факторинг хизматлари, минг (доллар, евро ва рубль)



Манба: Марказий банк маълумотлари

Мижозларнинг ташкилий шакли бўйича кўрсатилган халқаро факторинг хизматларининг тақсимоотида энг юқори улуш масъулияти чекланган жамиятларга (**139 млрд** сўм ёки **91,4 фоиз**) тўғри келган бўлса, кейинги ўринларда хусусий, оилавий корхона ва фермер хўжаликларининг **11 млрд** сўмлик (7,5 фоиз) ва чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг **2 млрд** сўмлик (1 фоиз) дебиторлик қарзлари факторинг хизматлари орқали молиялаштирилган (14-расм).

14-расм. Халқаро факторинг хизматлари корхоналар ташкилий шакли бўйича таҳлили, млрд сўм




Манба: Марказий банк маълумотлари


Муддатлар қирқимида 30 кунгача халқаро факторинг хизматлари жами халқаро факторинг хизматларининг 4 фоизини (6 млрд сўм), **31 кундан 60 кунгача** – 13 фоизини (19 млрд сўм), **61 кундан 90 кунгача** – 37 фоизини (55 млрд сўм), **91 кундан 120 кунгача** – 23 фоизини (34 млрд сўм) ҳамда **121 кундан 180 кунгача** - 24 фоизини (37 млрд сўм) ташкил қилган (15-расм).

Микдорлар бўйича 500 млн сўмгача халқаро факторинг хизматлари жами халқаро факторинг хизматларининг 4 фоизини (6 млрд сўм), **500 млн** сўмдан **1 млрд** сўмгача 5 фоизини (8 млрд сўм), **1 млрд** сўмдан **5 млрд** сўмгача 52 фоизини (79 млрд сўм), **5 млрд** сўмдан юқори бўлган факторинг хизматлари 39 фоизини (59 млрд сўм) ташкил қилган (16-расм).

**15-расм. Халқаро факторинг
хизматлари муддатлари бўйича
таҳлили, фоиз**



**16-расм. Халқаро факторинг
хизматлари миқдорлари бўйича
таҳлили, фоиз**




Манба: Марказий банк маълумотлари

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича халқаро факторинг хизматларининг асосий қисми **саноат тармоғига 81 млрд сўм (53 фоиз)** ҳамда **савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига 68 млрд сўм (45 фоиз)** маблағлар йўналтирилган.

Шунингдек, **қишлоқ хўжалиги** секторларида **3 млрд сўмлик (2 фоиз)** дебиторлик қарздорликлари молиялаштирилди (17-расм).

**17-расм. Иқтисодиёт соҳалари бўйича кўрсатилган халқаро
факторинг хизматлари, фоиз**




Манба: Марказий банк маълумотлари

Халқаро факторинг хизматларининг асосий қисми **Россия** (137,8 млрд сўм ёки 91 фоиз), **Беларус** (10,3 млрд сўм ёки 6,8 фоиз) билан амалга оширилган.

Шунингдек, халқаро факторинг хизматларининг қолган қисми **Қирғизистон** (1,6 млрд сўмлик ёки 1 фоизи), **АҚШ** (1,3 млрд сўм ёки 0,8 фоизи), **Италия** (0,7 млрд сўм ёки 0,5 фоизи) давлатлари ҳиссасига тўғри келган (18-расм).

18-расм. Халқаро факторинг хизматларининг давлатлар кесимидаги таҳлили, млрд сўм



Манба: Марказий банк маълумотлари

III. Факторинг хизматлари дисконт ставкаси

Тижорат банклари томонидан маҳаллий ва халқаро факторинг хизмати бўйича банк маҳсулотлари ишлаб чиқилган бўлиб, факторинг хизмат турларининг муддатларидан (180 кунгача) келиб чиққан ҳолда дисконт ставкалари белгиланган.

Мисол учун, 30 кунгача бўлган муддатда маҳаллий факторинг хизматлари бўйича **Асака банкда** 2 фоиз, **Ўзсаноатқурилишбанкда** 1,84-2,5 фоиз, **Капиталбанкда** 2 фоиз ва **Ҳамкорбанкда** 2 фоиз дисконт ставкалари ўрнатилган бўлса, ушбу банкларда халқаро факторинг хизматлари бўйича қўлланиладиган дисконт ставкалари мос равишда 1 фоиз, 1,25 фоиз, 1,2 фоиз ва 1-1,3 фоизда белгиланган (19-расм).

19-расм. Кредит ташкилотларининг факторинг хизматларида қўлланилаётган дисконт ставкалари

